Мавлянов Санжар Норбутаевич - давлат суд эксперти, ассистент
Қорақалпоғистон тиббиёт институти (Қорақалпоғистон, Ўзбекистон)
Республика суд- тиббий экспертиза илмий-амалий маркази Қорақалпоғистон филиали (Нукус, Ўзбекистон)
Жапбарбергенова Камила Рашидовна - ассистент
Қорақалпоғистон тиббиёт институти (Нукус, Ўзбекистон)
Мустафаева Гульнара Конисбаевна - давлат суд эксперти
Республика суд тиббий экспертиза илмий-амалий маркази Қорақалпоғистон филиали (Нукус, Ўзбекистон)

ОРОЛ БЎЙИ ХУДУДИДА СОДИР БЎЛГАН АВТОМОБИЛ ТРАВМАЛАРИ БАЪЗИ ЖИҲАТЛАРИНИНГ СУД-ТИББИЙ ТАҲЛИЛИ

Аннотация. *Мақолада автотравмалар юзасидан ўтказилган 272 та суд-тиббий экспертиза материаллари асосида автотравмаларга сабаб бўлаётган омилларнинг суд-тиббий тахлили натижалари келтирилган. Шунингдек, автотравмаларнинг айрим омилларига доир замонавий адабиётлар маълумотлари мухокама қилинган. Натижаларга кўра барча автотравмаларнинг 55%и 19-49 ёш орасидагиларда кузатилган. Автотравмаларнинг 36%и йилнинг ёз фаслида рўй берган бўлиб, хафтанинг душанба (24,8%) ва пайшанба (19,9%) кунлари энг кўп кузатилган. Мақолада автотравмалар йил фаслларига, жабрланувчиларнинг ёш гурухларига, хафта кунлари ва куннинг маълум вақтлари кабиларга боғлиқлиги таъкидланади. Автотравмалар сонини камайтириш чора-тадбирларини ишлаб чиқишда суд тиббий экспертиза маълумотларига ҳам эътибор қаратиш зарурлиги эслатилган.*

Калит сўзлар: *транспорт травмалари, автотравмалар тавсилоти, тан жароҳатлари, автотравмалар суд-тиббий эксперизаси, йўл-транспорт ҳодисалари, хос жароҳатлар.*

Мавлянов Санжар Норбутаевич - государственный судебный эксперт, ассистент
Медицинский институт Каракалпакстана (Нукус, Узбекистан)
Каракалпакский филиал Республиканского научно-практического центра судебно-медицинской экспертизы МЗРУз (Нукус, Узбекистан)
Жапбарбергенова Камила Рашидовна - ассистент
Медицинский институт Каракалпакстана (Нукус, Узбекистан)
Мустафаева Гульнара Конисбаевна - государственный судебный эксперт
Каракалпакский филиал Республиканского научно-практического центра судебно-медицинской экспертизы МЗРУз (Нукус, Узбекистан)

СУДЕБНО-МЕДИЦИНСКИЙ АНАЛИЗ НЕКОТОРЫХ АСПЕКТОВ АВТОМОБИЛНЫХ ТРАВМ, ПРОИЗОШЕДШИХ В ПРИАРАЛЬСКОМ РЕГИОНЕ

Аннотация. *В статье приведены результаты судебно-медицинского анализа факторов, вызывающих автотравмы, на основе материалов 272 судебно-медицинских экспертиз по автотравмам. Также обсуждены данные современной литературы по отдельным факторам автотравм. Согласно результатам, 55% всех автотравм наблюдались у лиц в возрасте от 19 до 49 лет. 36% автотравм произошло в летний период, при этом наибольшее количество случаев наблюдалось в понедельник (24,8%) и четверг (19,9%). В статье подчёркивается зависимость автотравм от времён года, возрастных групп пострадавших, дней недели и определённого времени суток. Отмечается важность учёта данных судебно-медицинской экспертизы при разработке мер по снижению числа автотравм.*

Ключевые слова: *транспортные травмы, автотравмы, повреждения тела, судебно-медицинская экспертиза автотравм, дорожно-транспортные происшествия, характерные повреждения.*

Mavlyanov Sanjar Norbutaevich - state forensic expert, assistant
Medical Institute of Karakalpakstan (Nukus, Uzbekistan)
Karakalpakstan branch of the Republican Scientific and Practical Center for Forensic Medical Examination (Nukus, Uzbekistan)
Japbarbergenova Kamila Rashidovna - assistant
Medical Institute of Karakalpakstan (Nukus, Uzbekistan)
Mustafaeva Gulnara Qonisbaevna - state forensic expert
Karakalpakstan branch of the Republican Scientific and Practical Center for Forensic Medical Examination (Nukus, Uzbekistan)

FORENSIC MEDICAL ANALYSIS OF SOME ASPECTS OF AUTOMOBILE INJURIES THAT OCCURRED IN THE PRIARALYE REGION

Abstract. *The article presents the results of forensic medical analysis of factors causing traffic injuries, based on materials from 272 forensic medical examinations of traffic injuries. The data from recent literature on certain factors of traffic injuries are also discussed. According to the results, 55% of all traffic injuries were observed in individuals aged 19 to 49 years. Thirty-six percent of traffic injuries occurred during the summer period, with the highest number of cases observed on Mondays (24.8%) and Thursdays (19.9%). The article emphasizes the dependence of traffic injuries on seasons, age groups of the victims, days of the week, and specific times of the day. It highlights the importance of considering forensic medical examination data when developing measures to reduce the number of traffic injuries.*

Key words: *transport injuries, traffic injuries, bodily injuries, forensic medical examination of traffic injuries, road traffic accidents, characteristic injuries.*

Кириш. Бугунги ҳаётимизни кун сайин кўпайиб бораётган автомобилларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Ахолининг оғирини енгил, узоғини яқин қилувчи автомобилларнинг кўпайиб бораётганлиги албатта қувонарли, аммо ўша автомобиллар баъзида бахтсиз ходисалар ва оғир жарохатларга, ҳатто инсон ўлимига сабаб бўлувчи йўл транспорт ходисаларига олиб келаётганлиги ачинарли. Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти ҳисоботига кўра, йўл транспорт ҳодисаларидан ҳар йили 1,35 миллиондан зиёд киши ҳалок бўлади. Қ**олаверса, автомобиллар** аҳолининг яшаш шароитини белгилаб берувчи воситалардан бири экан, автотравмалар масаласи долзарблигича қолаверади [20]. Суд-тиббий экспертиза маълумотларига биноан транспорт травмаси бўйича ўтказиладиган экспертизаларнинг 90 фоизидан ортиғини автомобил травмалари ташкил этади. Автомобилларнинг кўпайиб бораётганлиги таббийки йўл транспорт ходисалари сонининг кўпайишига олиб келади. Амалда бундай вазиятларда доимо турли даражадаги тан жарохатлар етказилади ва бу тан жарохатларининг оғирлик даражасини аниқлаш мақсадида суд-тиббий экспертизалар тайинланади [11, 23]. Жумладан, Орол бўйи худудида хам автотравмалар юзасидан ўтказилаётган суд-тиббий экспертизалар сони йилдан йилга ортиб бормоқда [14]. Шундай экан, йўл транспорт ходисаларида етказилаётган тан жарохатларининг оғирлик даражаларини ва бунга сабаб бўлаётган омилларни суд-тиббий жихатдан тахлил қилиш зарурати мавжуд.


Тадқиқотнинг мақсади. Орол бўйи худудида 2023-2024 йиллар давомида рўй берган транспорт ходисалари юзасидан ўтказилган суд-тиббий экспертиза хулосаларини комплекс таҳлил қилиш орқали автотравмаларга сабаб бўлаётган омилларни атрофлича мухокама қилиш ва бошқа тадқиқотчиларнинг маълумотлари билан таққослаш.

Материал ва усуллар. Орол бўйи худудида 2023-2024 йиллар давомида автотравмалар юзасидан ўтказилган 272 та мурдалар суд-тиббий экспертизаси хулосалари текшириш объекти бўлиб хизмат қилди. Бунда суд-тиббий экспертиза материалларининг ретроспектив таҳлили ўтказилди ва экспертиза тайинлаш ҳақидаги қарор, воқеа тавсилотлари, катамнестик маълумотлар (ҳодиса жойи, куни, вақти, автомобил травмасининг тури, объектнинг жинси, ёши), экспертизага тақдим этилган тиббий ҳужжатлар, экспертиза хулосасидаги суд-тиббий ташхис ва тўхтам кабиларга эътибор қаратилди.

Текширув натижалари ва уларнинг муҳокомаси. 2023-2024 йиллар давомида Орол бўйи худудида транспорт травмалари юзасидан жами 5975 та суд-тиббий экспертизалар ўтказилган бўлиб, шундан 5613 таси автомобил травмалари хисобланади (1-расм). Автомобил травмаларининг 5341 таси тирик шахслар экспертизасига тўғри келган, қолган 272 таси мурдалар суд-тиббий экспертизаси хисобланади. Бизнинг тадқиқот натижаларида айнан шу 272 та мурдалар суд-тиббий экспертизаси хулосалари мухокамаси келтирилади. Суд-тиббий экспертлар С.И. Индиаминов, Ш.У. Шойимов келтирган маълумотларга таянадиган бўлсак хар йили дунёда 50 млн.дан ортиқ одамлар турли даражадаги транспорт травмаларини оладилар [7]. Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилотининг йўл транспорт ҳодисаларидан ҳар йили 1 млн 350 мингдан зиёд киши ҳалок бўлиши ҳақидаги ҳисоботи эса транспорт травмаларидан жабрланганларнинг тахминан 3%ида ўлим кузатилади дейиш учун асос бўла олади. Шуни аълохида таъкидлаш керакки худудлардаги транспорт ходисалари юзасидан ўтказилган суд-тиббий экспертизалар сони шу худудда рўй берган транспорт ходисалари сони билан мос келмайди. Чунки, бир транспорт ходисасида одатда 1 тадан 10 тагача одам жарохатланиши мумкин ва бу мос равишда 1 тадан 10 тагача суд-тиббий экспертиза тайинланишига сабаб бўлади [3, 10].

Орол бўйи худудида 2023-2024-йиллар давомида автотравмалар юзасидан ўтказилган 5613 та суд-тиббий экспертизаларнинг 272 таси мурдалар суд тиббий экспертизаси эканлигига асосланадиган бўлсак, худудда автотравмалар-

дан жабрланганларнинг тахминан 5%и вафот этган. А.В.Максимов маълумотларига кўра бу кўрсатгич Москва шахрида 2014-2018 йилларда 10,5% ни ташкил қилган бўлса, Бутун Жахон Соғлиқни Сақлаш Ташкилотининг хисоботларига кўра дунёда бу кўрсатгич тахминан 3% ни ташкил қилади. Қолаверса, профессор С.И.Индиаминов хам “Вестник современной клинической медицины» журналида чоп этган мақоласида бу жихатга жиддий эътибор қаратган [6]. Шуни аълоҳида таъкидлаш лозимки, бу кўрсатгичлар тенденцияси транспорт травмасининг қайси тури содир бўлганлигига, хайдовчи ва пиёдалар қай даражада йўл қоидаларига амал қилишига, автомобилнинг техник имкониятларига, йил фаслларига, йўл транспорт ходисаси қаерда содир бўлганлигига, тиббий ёрдам сифатига ва бошқа баъзи жихатларга боғлиқ [15, 17].




Расм 1. **Орол бўйи худудида 2023-2024-йиллар давомида содир бўлган транспорт травмалари турларининг бутун сондаги ифодаси**

Автотравмаларга дучор бўлгандан кейин суд-тиббий экспертиза тайинланган объектлар жинс кесимида тахлил қилинганда 27,7%и хотин-қизлардан иборат эканлиги қайд қилинди. Бу кўрсатгични ушбу худудда хотин-қизлар автомобил бошқариши кам учраши, кўча-кўйда кечги вақт кам юриши ва йўл қоидалари масаласида эхтиётқорроқлиги билан изохлаш мумкин. Зеро, бошқа давлатлардаги турли манбаларда бу кўрсатгич анча баланд. Хусусан, Н. И. Болотникова бу кўрсатгич Астраханда 2014-йилдаёқ 38% эканлигини таъкидлаган бўлса, И.С. Стипанова ва В. Ю. Терехиналар эса ўзларининг 2020-йилдаги мақоласида хомиладор аёлларда таянч-харакат системасидаги шикастланишларнинг сабаби 55,3% холатда автотравмалар эканлигини таъкидлаган [4, 24].

Автотравма ходисаси юз берган вақтлар хафта кунлари кесимида тахлил қилинганда энг катта кўрсатгич хафтанинг душанба (24,8%) ва пайшанба (19,9%) кунларига тўғри келган бўлса, энг паст кўрсатгич хафтанинг жума (8,6%) ва якшанба (7,5%) кунларига тўғри келган. Аммо, хафтанинг чоршанба ва пайшанба кунларида содир бўлган йўл транспорт ходисалари кўпроқ аянчли тус олган ва мос равишда ўлим холатлари хам шу кунлари юз берган транспорт ходисаларида кўпроқ кузатилган. Хусусан ушбу 2 йил давомида юз берган 272 та ўлим холатининг 49,3%и айнан хафтанинг чоршанба ва пайшанба кунларига тўғри келган. Бу кўрсатгич 2021-2022-йилларда Индиаминов С.И., Шойимов Ш.У.лар тарафидан ўтказилган тадқиқотда 24,4%ни ташкил қилган. Транспорт ходисаларининг хафта кунлари бўйича учраши турли манбаларда тахлил қилинганда бу кўрсатгичлар турлича характерга эга эканлигини кўриш мумкин. Хусусан, А.В. Титаренко ва А.П. Столяровларнинг Пенза шахрида ўтказган тадқиқотларига бағишланган мақоласида транспорт ходисалари хафтанинг жума ва шанба кунлари кўпроқ кузатилганлигини кўриш мумкин [25]. Шуни аълохида таъкидлаш керакки деярли барча манбаларда энг кам транспорт ходисалари кузатиладиган кун сифатида хафтанинг якшанба куни келтирилган [16].

Транспорт ходисаларининг йил фасллари кесимидаги мухокамаси шуни кўрсатдики, автотранспорт ходисалари кўпроқ ёз фаслида кузатилган (2-расм).



Расм 2. **Автотранспорт ходисаларини йил фасллари кесимида кўринишининг фоизлардаги ифодаси**

Автотранспорт ходисаларининг йил фасллари кесимида учраши бўйича фикрлар ва натижалар якдиллигини кузатиш мумкин. Фақат, баъзи тадқиқотлардагина ўзгачалик кузатилганлигини хисобга олмаганда [1, 15].


2023-2024-йиллар давомида Орол бўйи худудида содир бўлган автотравмалар натижасида ўлим юз берган 272 та холат урганилганда пиёдалар билан тўқнашувлар 58,7 %ни, салондаги жароҳатлар эса 41,1%ни ташкил этган, бошқа турлар эса 0,2%ни ташкил қилган. Бу маълумотлар бошқа бир қатор тадқиқотчиларнинг маълумотлари билан диярли мос келади [7, 8, 9, 12, 15]. Хусусан, Самарқанд давлат тиббиёт университетидан С.И. Индиаминов ва Ш.У. Шойимов томонидан ўтказилган тадқиқотда эса пиёдалар билан тўқнашувлар 57 %ни, йўловчи салонидаги жароҳатлар эса 39.5 % ни ташкил этган. 2019 йил В.Е. Павленко ўтказган тадқиқотда пиёдалар билан тўқнашувлар 57,2%, салондаги жароҳатлар эса 39,6%ни ташкил этган. Салон ичи жароҳатларида ўлим холатлари хайдовчида ва йўловчида қандай нисбатда ва қандай жиҳатларга кўра кузатилишини 2019 йилда Б.А. Саркисян ўзининг мақоласида эълон қилган [22].

Ушбу даврлар мабойнида содир бўлган автотравмалардан юз берган 272 та ўлим холатлари сутканинг қайси қисмида юзага келганлиги таҳлил килинганда 38,6% кундузги (соат 06:00-18:00) ва 61,4% тунги (18:00-06:00) вақтга тўғри келган. Кундузги вақтда содир бўлган автотранспорт ходисалари натижасида юз берган 105 та ўлим холати куннинг маълум қисмларига ажратилганда шу нарса аниқ бўлдики, куннинг соат 08:00-09:00 ва соат 17:00-18:00 вақтлари орасида кундузги вақтда содир бўлган ўлим холатларининг 51,4%и юз берган. Тунги вақтда содир бўлган автотранспорт ходисалари натижасида юз берган 167 та ўлим холатининг энг кўп сони соат 20:00-22:00 оралиғидаги вақтга тўғри келган бўлиб, туннинг бу вақт оралиғида тунда юз берган барча ўлим холатларининг 52,7%и кузатилган.

Ўлимнинг юз бериш сабаблари ўрганилганда 31,4% бош мия жароҳатидан, 27,3% кўкрак қафаси аъзоларининг жароҳатидан, 25,9% ҳолатда бош, кўкрак, қорин аъзолари ва қўл-оёқларининг қўшма жароҳатидан, 14,5% қорин аъзоларининг жароҳатидан келиб чиққанлиги аниқланди. Қолган 0,9% холатда эса ўлим сабаблари ушбу сохалар билан тўғридан-тўғри боғлиқ бўлмаган холатлардир. Ушбу турдаги жиҳатларга Лочинов Ф.Н ва хаммуаллифлари йўл-транспорт ҳодисаларида ҳайдовчилар ўлимининг суд-тиббий таҳлили номли мақоласида эътибор қаратган [13]. 2024 йилда International Journal of Legal Medicine журналида чоп этилган систематик шарҳда 1970–2023 йиллар орасида ушбу мавзу бўйича эълон қилинган 69 илмий мақола таҳлил қилинган. Натижаларга кўра болаларда бош, кўкрак, қорин аъзолари ва қўл-оёқларнинг қўшма жароҳатидан ўлим холатлари етакчи ўринларни банд қилди.

Автотранспорт ҳодисасидан жароҳатланиш билан боғлиқ ўлимнинг 72,8% воқеа жойида ва 27,2% тиббий муассасаларда юз берган.

2023-2024-йиллар давомида орол бўйи ҳудудида содир бўлган автотранспорт ходисаларидан жабрланганларнинг барчасини ёши тахлил қилинганда қуйидагича кўринишдаги диаграмма чизмаси хосил бўлди (3-расм).



Расм 3. **Орол бўйи худудида 2023-2024-йиллар давомида автотранспорт ходисаларидан жабрланган барча шахсларнинг ёш гурухларига нисбатан ўзгариш тенденсиясининг график кўриниши.**

Диаграммадан кўриниб турибдики автотранспорт ходисаларига учраганларнинг энг кўп қисмини 19-36 ёшдагилар ташкил қилган бўлса, энг кам кўрсатгич 3 ёшгача бўлганлар ва 70 ёшдан катталарга тўғри келмоқда. Тадқиқот ўтказилаётган хар икки йилда хам ёш гурухларига нисбатан ўзгариш тенденсияси диярли бир хил эканлиги кўриниб турибди. Бунда фақат абс сонлардагина фарқ бор холос. Шуни таъкидламоқчимизки, 2023-йил давомида содир бўлган автотравмалар натижасида кузатилган ўлим холатларининг энг кўп қисми 37-49 ёш гурухидаги жабрланувчиларга тўғри келган. Ушбу худудда 2024-йил давомида содир бўлган автотравмалар натижасида кузатилган ўлим холатларининг энг кўп қисми 19-36 ёш гурухидаги жабрланувчиларга тўғри келган. Хар иккала йилда ўлим холатлари энг кам кузатилган ёш гурухи 70 ёшдан ошганлар бўлса, 3 ёшгача бўлганлар гурухида эса бу худудда автотравмалардан ўлим холати умуман кузатилмаган. Бу кўрсатгичлар турли адабиёт ва манбаларда диярли бир хил тартибда ифодаланган бўлиб, асосан 7 ёшгача ва 70 ёшдан катталардаги кўрсатгичлар фарқли [18, 25]. В.Л.Попов ва В.М. Караваевлар ўз мақоласида транспорт травмаларини 40 ёшгача бўлган ахолининг ўлим сабаблари орасида биринчи ўринда туришини таъкидлаган [19, 21]. Бутун Жахон Соғлиқни Сақлаш Ташкилотининг хисоботларига кўра Европа миқёсида 5 ёшдан катта болаларнинг травматизмдан ўлимининг асосий сабабларидан бири бу транспорт травмаларидир [20]. Бундан ташқари транспорт ходисалари болаларда кўпинча ногиронликгача борадиган жарохатларга сабаб бўлади [2]. Ногиронлик холатлари эса нафақат жамиятнинг, балки давлатнинг хам энг оғриқли масалаларидан бири хисобланади.

Хулоса. Оролбўйи худудида 2023-2024 йиллар давомида содир бўлган автотранспорт ходисалари юзасидан ўтказилган тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, автотранспорт ходисаларида йил фасллари, жабрланувчиларнинг ёш гурухлари, хафта кунлари, харакатланишдаги эхтиётсизлик каби омиллар мухим рол ўйнайди. Автотранспорт ходисаларининг мавсумийлик хусусиятлари ва жабрланувчиларнинг ёш гурухлари билан боғлиқ кўрсатгичлар турли тадқиқотчиларда деярли бир хил.

Автотранспорт ходисалари содир бўладиган хафта кунлари эса турли тадқиқотларда турлича хусусиятга эга бўлиб, бу борада тадқиқотчиларнинг транспорт ходисалари энг кам учрайдиган хафта куни хақидаги фикрларига қўшилиш мумкин. Автотранспорт ходисаларини олдини олишда суд-тиббий экспертларнинг транспорт ходисаларида йил фасллари ва хафта кунларининг ахамияти бор деган фикрларига қўшилиш керак.

АДАБИЁТЛАР

1. Али Хоршиди, Элахе Айни, Сейед Саид Хашеми Назари, Хамид Сури. Временные закономерности дорожно-транспортного травматизма в Иране. Journal Archives of Trauma Research. 2016 9 мая;5(2):e27894.

2. Антониади Ю.В. Организация специализированной хирургической помощи пациентам с около- и внутрисуставными переломами

костей нижних конечностей. Гений ортопедии. 2018, №2. Стр. 126-133

3. Ануприенко С.А., Е.С. Пронь, Ю.С. Бармакова, В.А. Породенко. Детская несмертельная дорожно-транспортная травма в Краснодаре за период 2015–2019 гг. Судебная медицина. 2021. Том 7. № 1. Стр. 113-120.

4. Болотникова Н. И.. Анализ дорожно-транспортного травматизма в город Астрахани. Вестник РУДН, серия Медицина, 2014, № 4. Стр. 78-84

5. Индиаминов С.И., С.Н. Пардаев, А.А. Ким. Сочетенная травма груди и живота у пешеходов, пострадавших в автомобильных авариях. Судебная медицина. 2021. Том 7. № 3. Стр. 141-151.

6. Индиаминов С.И., Р.А. Исмаилов, Б.Б. Бахтиёров. Повреждения у водителей, пострадавших при внутрисалонной автомобильной травме. Вестник современной клинической медицины. 2020. № 5. Стр. 20-25

7. Индиаминов С.И., Шойимов Ш.У. Замонавий автомобиллар билан тўқнашувида жабрланган шахсларга етказилган жароҳатларнинг суд-тиббий диагностикаси ҳолати. Доктор ахборотномаси 2024 №2, 38-42 бетлар

8. Индиаминов С.И., Гамидов С.Ш., Исмаилов Р.А. Характеристика повреждений у пешеходов при автомобильной травме. Проблемы биологии и медицины. 2020, №5.1 (123), Стр. 164-169.

9. Карташова, Е.Д. Исследование механизмов травмирования при фронтальном столкновении автомобиля с пешеходом / Е. Д. Карташова, Е.А. Елескина // Модели, системы, сети в экономике, технике, природе и обществе. – 2013. – № 2 (6). – Стр. 157–163

10. Ластовецкий А. Г., А. Г. Айвазян, Д. А. Аверьянова. Многофакторный анализ смертности на примере дорожно-транспортных случаев. Судебная медицина. 2018. Том 4. № 3. Стр. 10-17

11. Ластовецкий А. Г., Дейнеко Д. А. Некоторые критерии экспертной оценки травмы при дорожнотранспортных происшествиях //Вестник новых медицинских технологий. Электронное издание. – 2012. – №. 1. – Стр. 79-83

12. Леонов С. В., Пинчук П. В., Шакирьянова Ю. П. Особенности краевого наезда на пешехода автомобилем, двигающимся задним ходом //Судебно-медицинская экспертиза. – 2017. – Т. 60. – №. 3. – Стр. 32-33

13. Лочинов Фарход Назарович, Тожиқулов Раббим Абдурахматович, Хайдаров Якуб Кадирович. Йўл-транспорт ҳодисаларида ҳайдовчилар ўлимининг суд-тиббий таҳлили. Проблемы биологии и медицины. 2024, №5 (156). 238-241 бетлар.

14. Мавлянов С.Н., Кожалепесова Ф.А ва б. Қорақалпоғистон ҳудудида 2016-2017 йиллар давомида содир бўлган транспорт травмалари баъзи жиҳатларининг суд-тиббий таҳлили. Биология ва тиббиёт муаммолари журнали. 2022, № 6.1 (141) спецвыпуск. 48-53 бетлар.

15. Максимов А.В., С.А. Кучук. Характеристика смертельного дорожно-транспортного травматизма в Московского области. Судебная медицина. 2020. Том 6. № 3. Стр. 36-41.

16. Мохамед Абдель-Ати. Исследование различных характеристик аварий в будние и выходные дни. Журнал исследований безопасности. сентябрь 2013 г., Стр. 91–97

17. Павленко В.Е., Крупина А.А., Манишин А.Н., Шадымов М.А., Решетов А.В., Фоминых С.А. Автомобильная травма: проблемы диагностики; анализ экспертиз по г. Барнаулу (2012-2017 ГГ.) // Бюллетень медицинской науки. 2019. №4 (16) и др.

18. Попов В.Л., Караваев В.М. Возрастные особенности структуры смертельной сочетанной травмы у детей. Судебно-медицинская экспертиза. 2012. № 4. Стр. 4-10.

19. Попов В.Л., Караваев В.М. Объем повреждений как критерий оценки смертельной сочетанной травмы у детей. Судебно-медицинская экспертиза. 2013. № 3. Стр 43-46.

20. Савенкова Е.Н., Ефимов А.А. Детский дорожно-транспортный травматизм как судебно-медицинская проблема. Судебно-медиинская экспертиза. 2017. Том 60. № 6. Стр. 13-17.

21. Саркисян Б.А., А.О. Колесников. О назревшей необходимости введения в классификацию автомобильной травмы новых ее видов. Вестник судебной медицины. 2017. № 1. Стр. 4-10.

22. Саркисян Б.А., Паньков И.В., Шевченко К.В., Бородулин Д.В. Повреждения водителя и пассажира переднего сидения при несмертельной внутрисалонной травме в легковых автомобилях иностранного производства. 2019;62(4): 61-62;

23. Сокол В. К. Частота и характер вопросов, оставленных для разрешения первичной судебно-медициннской экспертизой при автомобильной травме. Вестник проблема биология и медицина. 2020, № 3, Стр. 380-384.

24. Степанова И. С., В. Ю. Терехина. Анализ случаев исходов беременности на сроке 25-37 недель на фоне перелома таза. Сибирское медицинское обозравание. 2020. №5. Стр. 93-95

25. Титаренко А.В., А.П. Столяров. Характеристика смертельного автомобильного травматизма в город Пензе и Пензенской области. Проблемы экспертизы в медицине. 2011. №1. Стр. 49-50.